

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МАФКУРАВЙЙ ЭХТИЁЖНИНГ ОРТИШИ

Гулчехра Каримова

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги

Тошкент ахборот технологиялари университети

“Гуманитар фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси

Abstract: the fact that fierce battles in the information fields of the 21st century are becoming a tradition, one of the harsh realities of the new century, that a group of evil-intentioned forces that have chosen the path of international terrorism around the world are trying to mislead people in order to achieve their malicious intentions, first of all, simple, educated and life experience It is justified that they try to confuse the minds and thinking of low people with various fabrications.

Key words: Ideology, information age, national idea, information flow, globalization process, fanaticism, education, geopolitics.

Инсоният ўз тарихида тарққиётни юксалтирадиган мафкурадан кўра кудратлироқ механизмни яратмаган. Ҳозирда шундай мафкуралар борки кудратли вайрон этувчи кучга эга ҳамдир. Дарҳақиқат, мафкура ва тарғибот кишилиқ жамияти тараққиётида алоҳида ўрин тутуди. “Чунки, мафкура – жамиятда яшаёдиган одамларнинг ҳаёт мазмунини, унинг интилишларини ўзида мужассамлаштиради... Ҳаёт мавжуд экан, мамлакатлар, давлатлар ва улранинг манфаатлари бор экан, улар ўз тараққиёт йўлини, эртанги кун уфқларини ўзининг миллий ғояси, миллий мафкураси орқали белгилаб олишга интилади” [1:490].

“Ахборот асри”да мафкура янада юксак аҳамият касб эта бошлади. Бунда айниқса, ахборот хуружларининг авж олиши яққол намоён бўлмоқда. ХХІ асрнинг ахборот майдонларидаги кескин курашлар урфга айланиб бораётган янги юз йилликнинг қалтис воқеликларида бири шуки, дунё бўйлаб халқаро террор йўлини танлаган бир тўда қабих ниятли кучлар ўз ғаразли ниятларига эришиш учун одамларни йўлдан оғдиришга, биринчи навбатда, содда, билимли ва ҳаёт тажрибаси паст кишиларнинг онги ва тафаккурини турли уйдирмалар билан чалғитишга уринмоқдалар.

Бугун биз яшаётган давр инсон тамаддунининг ривожланган даври, илм-фан, техника-технологиялар ривожланган ва юксак имкониятлар эшиги очик давр ҳисобланади. Буни бир сўз билан айтганда глобаллашув асри деб аталади.



Бу давр ўзининг ахборот оқимининг тезлиги, интеграциялашув ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, замонавий коммуникацияларнинг йўлга қўйилиши каби таъсирлар орқали намоён бўлмоқда. Шунинг ҳам алоқида айтиш керакки, бу давр кенг имкониятлар даври бўлибгина қолмасдан балки у ҳозирги шароитда ғоявий, мафкуравий таъсир ўтказишнинг ўткир куралига ҳам айланиб инсон ҳаётига ва у яшаётган жамиятга таъсир ўтказиши мумкин.

Миллий мафкурани тарғиб қилишда маънавиятни ривожлантиришда асосий ёндашув маърифий ёндашув бўлса ҳам бу жараён миллий мафкуранинг хусусиятлари билан боғлиқ. Жаҳондаги глобаллашув жараёнлари ана шу ғояга бўлган эҳтиёжни кескин кучайтиради. Аслини олганда, глобаллашув жараёни бўлмаса, миллий мафкурага ҳам эҳтиёж ошмас эди. Чунки глобаллашув бўлмаганда ҳар бир халқ ва миллатнинг маънавияти ўзича мавжуд бўлар ва имконият даражасида ривож топарди. Ташқи таъсир ва таҳдиднинг йўқлиги эса миллий мафкурага эҳтиёжни кучайтирмас эди.

Миллий мафкуранинг моҳияти шундаки, у одамлар онгида, хотирасида мафкуралигича қолмай, амалиётга, ҳаётга айланиши зарур. Шундагина у глобаллашув шароитида миллий маънавиятни ва маънавий ўзлиқни ташқи носоғлом ғоявий таҳдидлардан ҳимоя қиладиган кучга айланади.

Бугунги кунда инсон онги ва қалби учун кураш кескин тус олаётган бир даврда, хилма-хил қарашларнинг мафкура майдонида ҳукмронлик қилишга интилиши табиий, албатта. Бунга эътиқод умумийлигига асосланган ҳолда яқка мафкура ҳукмронлигини таъминлаш орқали жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан ўзига қарам қилишга бўлаётган хатти-ҳаракатларни мисол келтириш мумкин.

Диний ақидапарастлик ҳам шулар жумласидандир. Масалан, ислом динидаги ҳозирги ақидапарастлар ижтимоий, миллий хусусияти, қайси давлатга мансублигидан қатъий назар, барча мусулмонларнинг маънавий бирлиги ҳақидаги тасаввурларга таяниб, уларни ягона халифалик остида сиёсий бирлашуви ғоясини асослашга ҳаракат қиладди. Кўриниб турибдики, бу идеология диний асосда бирлашув ғоясини биринчи ўринга қўяди.

Аммо, жиддий эътибор бериладиган бўлса, биринчидан, улар миллий суверенитетдан воз кечиш ҳисобига ягона давлат тузишни кўзлаётганликлари маълум бўлади. Иккинчидан, халифалиқни тиклашга, унинг тўғри эканини асослашга уринувчилар, бу ҳол айнан миллат сифатида ўзликимизни англашга йўл қўймаслигини яширадилар. Бу ғояни тарғиб қилишда улар бизнинг ислом динига эътиқод қилишимизга алоҳида урғу берадилар. Бундан ташқари, бу



оқим тарафдорлари халифалик байроғи остида бирлашишни ноисломий дунёга қарши туриш мақсади билан боғлашларини ҳам таъкидлаш зарур.

Бугунги дунёдаги ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг йўналишлари қуйидагилар: прогрессив ва реакцион.

Прогрессив йўналишларни тинчлик, барқарорлик ва тараққиёт, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик, инсон эркинлиги ва шахс камолоти, умуминсоний қадриятлар устуворлиги ташкил этади. Реакцион йўналишларни эса, уруш, қуролланиш, терроризм ва экстремизм, ирқчилик, миллатчилик, диний ақидапарастлик, тоталитаризм, мустабидлик ғояси асосидаги фаолиятлар, эгоизм, маҳаллийчилик, тор манфаатлар устуворлиги

Ҳозирги давр-дунёда ғоявий қарама-қаршиликлар мураккаб тус олган, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучлироқ бўлиб бораётган даврдир.

Бундай ёндашув ўта хавфли эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Зеро, у инсониятнинг диний асосда қарама-қарши қутбларга бўлиниб кетишига, баъзан «цивилизациялар тўқнашуви» деб аталадиган ҳодисанинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Мафкура ва мафкуравий тарбия масаласи ўз мустақиллигини қўлга киритган, демократик, ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамиятининг асосларини яратаётган мамлакатимиз учун ҳам муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Зеро, кўзланган мақсадларга ушбу орзу-умид ва интилиш-ларни ўзида мужассамлаштирган ғоявий-назарий қарашлар мажмуи бўлмиш миллий мафкура ва унга асосланган тарбия тизимисиз эришиш мумкин эмаслиги аниқ. «Мен, - деб ёзади биринчи президентимиз, - Абдулла Авланийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир» деган фикрини кўп мушоҳада қиламан.

Буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир»[2:93-94].

Бу масаланинг долзарблиги юқорида қайд этилган мафкура шакллариининг хавфини бартараф этиш зарурлиги билан ҳам белгиланади. Зеро, биринчи президентимиз таъкидлагандек, уларга ғоя ва маърифат йўли билан қарши курашиш лозим.

Мамлакатимиздаги мавжуд ижтимоий ҳамкорлик, миллий бирлик ва ҳамжиҳатликни сақлаб қолиш ва ривожлантириш йўли билангина қўлга киритилган мусақилликни ҳимоя қиламиз. Халқаро ҳамжамият, шу жумладан тарих тақозоси билан алоқалар кучли ривожланган давлатлар билан тенг



ҳуқуқли, иззат-икромли муносабат, ўзаро манфаатли алоқалар эса мустақилликни мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Ана шундагина, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, минтақамиз ҳеч қачон цивилизациялар тўқнашмайдиган, балки улар бир-бирига таъсир этиб, бир-бирини бойитишнинг ибратли намунасини берадиган маконга айланади.

1. Геосиёсий мақсадларга эришиш йўлидаги мафкуравий таъсир ўтказишнинг «Бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил» деган қадимий тамойилининг қуйидаги йўллари мавжуд:

биринчидан, мамлакат ичида ижтимоий парокандаликни келтириб чиқариш.

иккинчидан, минтақа давлатлари ўртасида турли зиддиятларни юзага келтириш. Минтақада гегемонликка асосланиб, давлатни заифлаштириш орқали ўз «иттифоқчисига» айлантеришга эришиш.

учинчидан, халқаро майдонда муайян мамлакат ҳақида нотўғри, ноҳолис тасаввурларни шакллантириш.

2. Минтақада геостратегик манфаатларни ифодаловчи «Бўлиб ташла, ва ҳукмронлик қил» тамойилини тўлдиришга хизмат қилувчи «Имтиёзли ҳамкорликни белгилаш» тамойили ҳам мавжуд. Унинг мақсади:

биринчидан, ҳар бир давлат ким баландир шиори билан имтиёзли ҳамкорликка асосланиши.

иккинчидан, айирмачиликни шакллантириш.

учинчидан, «Номақбул» давлатлар имкониятларини чеклаш.

тўртинчидан, мақсад - муайян минтақага таъсир ўтказиш пландармига эга бўлиш.

Демократия тамойилларини ёйиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, глобаллашув жараёнини тезлаштириш, нодавлат ташкилотлар фаолиятини дунё бўйлаб ёйиш, ривожлантириш ва мустаҳкамлаш баҳонасида “гегемонлик” ғоясини сингдиришга интилаётган баъзи бир давлатлар оммавий ахборот воситаларидан ўз мафкурасини сингдиришда фойдаланилмоқда [3:17].

3. «Тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали ҳамкорлик» тамойили геостро-тегин манфаатларни рўёбга чиқариш ва давлатлараро алоқаларни мустаҳкамлашнинг энг оқилона ва тўғри йўлидир. Ўзбекистон бунга амал қилиб келмоқда.

Мафкуравий полигонлар кураши. Полигон - (грек. серқирра). Мафкуравий полигон деб, одамларнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган ғоя ёки мафкурани маблағ, ҳам замонавий техник воситалар билан кучлантириб, моддий ва маънавий ташвиқот қуролларини ишга солиб, дунёдаги ахборот ва



фикр оқимини ўз фойдаси йўлида бошқариб турадиган ғоявий марказга айтилади.

Биринчи президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Бугунги кунда одамзод маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларигагина хизмат қиладиган, олис - яқин манбалардан тарқаладиган, турли маъно-мазмундаги мафкуравий кучларнинг таъсирини доимий сезиб яшамокда»[4:85-86]. Шунинг учун ҳам бугунги кунда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучли.

Чунки уларнинг таъсири радио, телевидение, газета-журнал, Интернет; умуман, ҳамма ахборот тармоқлари орқали кириб келмокда. Улар одамларни уйда ҳам, кўчада ҳам, ишда ҳам тинч қўймаслиги мумкин.

Ядро полигоида тайёрланган қурол фақат муайян ҳудудни вайрон қилади, аммо мафкуравий полигонлардан турли ахборотлар, бадий асарлар, ўйинчоқлар, кундалик эҳтиёж моллари шаклида тарқалаётган воситалар эса инсонларнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилгандир. Масалан, «диний адабиёт» ниқоби остида хориждан олиб келинаётган айрим китобларда динга сиёсий тус берилади, жиҳод ҳақида нотўғри маълумотлар тарғиботларига ишониб, нотўғри йўлга кириб кетиши мумкин. Ёки беҳаёликни, ваҳшийлик ва зўровонликни тарғиб этадиган фильмлар ҳам мафкуравий полигонлардан юборилаётган зарарли таъсирлардандир. Бунинг натижасида онги захарланган инсон уша бузғинчи мафкура эгаларининг хизматкори(малайи)га айланади ва қолган жамият аъзоларини онгини ҳам захарлайди, улар вирус мисолидир. Хулоса қилиб айтганда бугунги мураккаб даврда бузғунчи ғоявий-мафкуравий таъсирларга қарши фуқароларимизда мафкуравий иммунитетни, ёд бегона бузғунчи ғоялар билан минталитетимизга тўғри келадиган соғлом бунёдкор ғояларни фарқлай олиш кўникмасини шакллантириш, ўсиб келаётган ёш авлодни эса ватанга мухаббат, юртга садоқат руҳида тарбиялаш, элим деб ёниб яшайдиган инсонлар қилиб вояга етказиш зарур.

References

1. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-том. – Т.: Ўзбекистон. 2000. 490-бет.
2. Каримов И.А.. Асарлар. 7-том. – Т.: Ўзбекистон. 2000. 93-94-бетлар.
3. Р.Жумаев, У.Убайдуллаев, Б.Хўжанов. Конфликтология асослари. Т.: Академия, 2000, 17-бет.
4. Каримов И.А. 7-том. – Т.: Ўзбекистон. 2000. 85-86-бетлар.



5. Abdulkarimovna, K. G. (2022). YOSHLAR O'RTASIDA JINOYATCHILIK VANUQUQBULARLIK LARNI OLDINI OLISH DOLZARB MASALA.
6. Каримова, Г. А. (2022). ГЛОБАЛИЗАЦИЯ ДАВРИДА ЖАМИЯТ МАЪНАВИЙ ХАВФСИЗЛИГИГА ТАХДИДЛАР. ILM-FAN TARAQQIYOTIDA ZAMONAVIY QARASHLAR: MUAMMO VA YECHIMLAR, 3, 13-15.
7. Alimova, S. H. (2022, December). THE PLACE OF THE SCIENTIFIC HERITAGE OF ABU NASR FORABI IN WORLD CIVILIZATION. In INTERNATIONAL CONFERENCE: PROBLEMS AND SCIENTIFIC SOLUTIONS. (Vol. 1, No. 7, pp. 154-157).
8. Абдурахмонов, У. У. (2023, January). ЁШЛАР ОНГГИДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ. In *Proceedings of Scientific Conference on Multidisciplinary Studies* (Vol. 2, No. 1, pp. 262-272).
9. Абдурахмонов, У. У. (2023). РОЛЬ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОГО ПОТЕНЦИАЛА В РАЗВИТИИ ТВОРЧЕСКИХ КАЧЕСТВ У МОЛОДЁЖИ В ОБЩЕСТВЕ. *International journal of advanced research in education, technology and management*, 2(1).
10. Туратошева, С. Р., & Абдурахмонов, У. У. (2016). Зависимость от интернета и человеческий фактор. *Бюллетень науки и практики*, (5 (6)), 255-258.
11. Абдурахмонов, У. У., & Исломов, Б. С. (2016). Виды и роль здоровой социальной конкуренции в достижении профессионального мастерства молодежью. *Социология и право*, (1 (31)), 16-21.
12. Абдурахмонов, У. У., & Аликулов, М. М. (2016). Роль здоровой социальной конкуренции в постижении профессионального мастерства молодежью в Узбекистане. *Бюллетень науки и практики*, (3), 169-171.
13. Абдурахманов, У. У., Шеров, М. Б., & Наврузов, О. Э. (2015). Роль здоровой социальной конкуренции в постижении профессионального мастерства молодежью в Узбекистане. In *Инновационные направления в научной и образовательной деятельности* (pp. 147-149).
14. Абдурахмонов, У. У., & Шеров, М. Б. (2015). Социальные аспекты смены поколений в системе образования Узбекистана. *История и современность*, (2 (22)), 114-118.
15. Абдурахмонов, У. У. (2015). МЕСТО И РОЛЬ ЗДОРОВОЙ СОЦИАЛЬНОЙ КОНКУРЕНЦИИ В ПОСТИЖЕНИИ



ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО МАСТЕРСТВА
МОЛОДЕЖЬЮ. Редакционная коллегия, 286.

16. Tuxtamratovna, S. A. (2022). Issues of codification of norms of Islamic law. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(11), 311-314.
17. Sanaqulov, A. N. Prospective Directions of Effective Use of Virtual Technologies in Increasing the Power of Youth. *JournalNX*, 897-903.
18. Санакулов, А. (2017). Духовность-основа информационной безопасности. *Молодой ученый*, (19), 231-234.
19. Nazarovich, S. A. (2022). DEVELOPMENT OF INFORMATIONAL IMMUNITY AS THE KEY TO INCREASING THE INFORMATION CULTURE OF PEOPLE. *Conferencea*, 191-196.
20. Nazarovich, S. A., & Olimjanovich, X. A. (2022). FEATURES OF PREVENTING METAMORPHOSIS OF SPIRITUAL AND MORAL VALUES IN THE VIRTUALIZATION OF PUBLIC LIFE. *International Journal of Early Childhood Special Education*, 14(7).
21. Sanaqulov, A. (2022). FEATURES OF PREVENTING METAMORPHOSIS OF SPIRITUAL AND MORAL VALUES IN THE VIRTUALIZATION OF PUBLIC LIFE. *International Journal of Early Childhood Special Education (INT-JECS)*.
22. Санакулов, А. Н. (2022). ОБЕСПЕЧЕНИЕ МИРОВОЗЗРЕНЧЕСКАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ В ИНФОРМАЦИОННОМ ОБЩЕСТВЕ. *Yosh Tadqiqotchi Jurnal*, 1(5), 290-296.
23. Nazarovich, S. A. (2022). SPIRITUAL ASPECTS AND SECURITY IN THE INFORMATION SOCIETY. *Conferencea*, 94-99.
24. Санакулов, А. Н., & Бобоёров, Ш. Б. (2022). ЁШЛАРДА ВИРТУАЛ РЕАЛЛИК (VR) ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ КЎНИКМАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЗАРУРАТИ. *Yosh Tadqiqotchi Jurnal*, 1(5), 281-289.
25. Olimjanovich, X. A. (2023, January). МОНИЙ ТАЪЛИМОТИ ВА ТАСАВВУФ ЎЗИГА ХОС ЎХШАШЛИК ВА ФАРҚЛАР. In *Proceedings of Scientific Conference on Multidisciplinary Studies* (Vol. 2, No. 1, pp. 244-251).
26. Эшпулатов, М. (2023, January). ЎҚУВЧИ ЁШЛАРДА МАЪНАВИЙ-ТАРБИЯВИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА АДАБИЁТ ОМИЛИ. In *Proceedings of Scientific Conference on Multidisciplinary Studies* (Vol. 2, No. 1, pp. 186-195).



27. Samiyevich, T. B. (2022). Education of youth in the Hadiths of Imam al-Bukhary. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(11), 98-101.
28. Samiyevich, T. B. (2022). The role of the scientific heritage of ancestors in improving the intellectual competence of young people. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(11), 102-105.
29. Samiyevich, T. B. (2021). THE SIGNIFICANCE OF MIRZO ULUGBEK'S HISTORY OF FOUR ULUSES IN YOUTH EDUCATION. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(11), 269-274.
30. Samiyevich, T. B. (2021). The Role Of The Concept Of Innovative Development In The Education Of The Third Renaissance. *Texas Journal of Philology, Culture and History*, 1, 58-62.
31. Otaboevich, K. M. (2021). Model of Developing Ideological Competence in Students. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 1284-1292.
32. Otaboyevich, K. M. (2022). Study of the problem of developing students' ideological-ideological competence in philosophical-pedagogical literature. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(11), 88-93.
33. Otaboyevich, K. M. (2020, December). DEVELOPMENT OF IDEOLOGICAL POTENTIAL OF STUDENTS OF PEDAGOGICAL HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTION ON THE BASIS OF NATIONAL AND SPIRITUAL VALUES. In *Archive of Conferences* (Vol. 10, No. 1, pp. 9-11).
34. Otaboevich, K. M. (2022). Legal fundamentals of developing ideological and ideological competence in students. *World Bulletin of Social Sciences*, 8, 96-100.
35. Sobirova, M. A. (2022). THE SUCCESS OF THE INFORMATION AGE AND PROBLEMS. *American Journal of Interdisciplinary Research and Development*, 11, 111-115.
36. Собирова, М. А. (2023, January). РАЗВИТИЕ НАЦИОНАЛЬНОЙ ДУХОВНОСТИ ПОСРЕДСТВОМ НАЦИОНАЛЬНЫХ ОБЫЧАЕВ, ТРАДИЦИЙ И ЦЕННОСТЕЙ. In *Proceedings of Scientific Conference on Multidisciplinary Studies* (Vol. 2, No. 1, pp. 172-179).
37. Собирова, М. А. (2019). Формирование патриотической позиции молодежи на примерах героизма народов Узбекистана в годы Второй мировой войны. *Эшелоны идут на восток. Эвакуация в Узбекистан в годы Великой Отечественной войны*, 232.



- 38.Собирова, М. А. (2013). Значение духовных ценностей в развитии национальной духовности. *Актуальные проблемы современной науки*, (5), 83-86.
- 39.Жуманиязов, Х. С., & Нигманова, У. Б. (2019). Трудовой подвиг народов Узбекистана в годы Второй мировой войны. *Эшелоны идут на восток. Эвакуация в Узбекистан в годы Великой Отечественной войны*, 145.
- 40.Qaxxorova, M. (2022). ЖАДИДЧИЛИК ТАЪЛИМОТИДА ЖАМИЯТ МУҲИТИНИ АХЛОҚИЙ МЕЪЁРЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. Теория и практика современной науки.
- 41.Абсатторов, Б. (2019). ШАХС МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ БАРКАМОЛЛИГИ МЕЗОНЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИНЛАРИ. *Scienceweb academic papers collection*.
- 42.MAMARASULOVICH, A. B. (2020). ИНСОН ФАОЛИЯТИДА АХЛОҚИЙ МЕЪЁРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕЗОНЛАРИ. *Вестник Каракалпакского государственного университета им. Бердаха*.
- 43.MAMARASULOVICH, A. B. (2020). Evolution of views on ethics, ethical criteria and ethical standards. *Scienceweb academic papers collection*.
- 44.MAMARASULOVICH, A. B. (2019). Общность общечеловеческих и национальных ценностей в нравственном развитии. *ILM SARCHASHMALARI*.
- 45.MAMARASULOVICH, A. B. (2018). INNOVATORY METHODS OF WORKING WITH UNORGANIZED YOUTH. *European Science Riview*.
- 46.MAMARASULOVICH, A. B. (2018). Zamonaviy sivilizatsiya rivoji va uning axloqiy mezonlari. *TDPU ILMIY AXBOROTLARI*.
- 47.Абсатторов, Б. М. (2022). ТАСАВВУФ–ЎЗ-ЎЗИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ҲАҚИҚАТНИ БИЛИШ ЙЎЛИ СИФАТИДА. *Gospodarka i Innowacje.*, 30, 167-173.
- 48.Nizomi, A. B. M., & Al-Khorazmi, K. A. O. (2022). Sufism as a way of self-implementation and knowledge of the truth. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(11), 199-204.
- 49.Mukhammadievich, K. J., & Mamarasulovich, A. B. (2022). POSITION OF AL-FARABI AND IBN SINA IN THE CONFLICT OF PHILOSOPHY AND SUFISM. *Conferencea*, 46-56.
- 50.Mukhammadievich, K. J., Mamarasulovich, A. B., & Olimjanovich, X. A. (2022, December). THE POSITION OF AL-FARABI AND IBN SINA IN



THE CONTROVERSY OF THE HISTORY OF PHILOSOPHY AND SUFISM. In *E Conference Zone* (pp. 17-25).

51. Mamarasulovich, A. B. (2022). RELIGIOUS AND PHILOSOPHICAL FOUNDATIONS OF HUMAN MORAL DEVELOPMENT. *American Journal of Interdisciplinary Research and Development*, 11, 154-163.
52. Mamarasulovich, A. B. (2022). RELIGIOUS AND PHILOSOPHICAL ASPECTS OF HUMAN MORAL DEVELOPMENT. *Conferencea*, 197-201.
53. Mukhammadievich, K. J., & Mamarasulovich, A. B. (2022). POSITION OF AL-FARABI AND IBN SINA IN THE CONFLICT OF PHILOSOPHY AND SUFISM. *Conferencea*, 46-56.
54. Mukhammadievich, K. J., Mamarasulovich, A. B., & Olimjanovich, X. A. (2022, December). THE POSITION OF AL-FARABI AND IBN SINA IN THE CONTROVERSY OF THE HISTORY OF PHILOSOPHY AND SUFISM. In *E Conference Zone* (pp. 17-25).
55. Absattorov Baxtiyor Mamarasulovich. (2023). YOSH AVLODNI MILLIY VA UMUMINSONIY QADRIYATLAR RUHIDA TARBIYALASH-XALQIMIZ TARBIYAVIY AN'ANALARINING O'ZIGA XOS JIHATLARI SIFATIDA. *Proceedings of Scientific Conference on Multidisciplinary Studies*, 2(1), 273–281.
56. Мухаммад, Ж. (2011). Хожа Мухаммад Парсо ва унинг «Фасл ал-хитоб» асари [Хваджа Мухаммад Парса и его труд «Фасл алхитаб»]. *СИНО маънавий-маърифий, илмий-адабий, фалсафийирфоний уч ойлик журнали*.
57. Мухаммад, Ж. (2010). Кўзгу хайрати. *Шеърый тўплам. Тошкент. "TAMADDUN*.
58. Мухаммад, Ч. (2008). Таҷаллӣ. *Маҷмӯаи шеър. Тошканд, Интишороти илмий давлатии "Доиратулмаорифи миллии Ўзбекистон*, 44.
59. Холмўминов, Ж. (2008). Жомий ва ваҳдат ул-вужуд таълимоти [Джами и учение вахдат ал-вуджуд]/Масъул муҳаррир: Н. Комилов. *Тошкент: «Ozbekiston milliy ensiklopediyasi*, 232.
60. Халмуминов, Д. (2006, May). Влияние учения Ибн ал-‘Араби на развитию мистических аспектов суфийских орденов Центральной Азии. In *Суфизм в Иране и Центральной Азии. Материалы Международной конференции. 2-3 мая 2006 года г. Алматы* (p. 256).
61. Мухаммад, Ж. (1999). Мижғони офтоб. *Маҷмӯаи ашъор. Душанбе, Интишороти "Оли Сомон*, 55.



62. Kholmuminov, J., & Juraev, N. (2020). The place and role of the sufi and philosophical order of the naqshbandi in the process of developing intercultural relations of the Tajik and Uzbek peoples. *European Journal of Molecular & Clinical Medicine*, 7(2), 308-317.
63. Холмуминов, Д. М. (2022). “ҚИЁСИЙ ТАСАВВУФШУНОСЛИК”: МЕТОДОЛГИЯ ВА ФАН. *МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ КОНСЕНСУС*, 3(2).
64. Холмўминов, Ж. М. (2022). ЖОМИЙНИНГ ФАЛСАФИЙ АСАРЛАРИДА “КОМИЛ ИНСОН” ТУШУНЧАСИНИНГ ШАРҲИ. *O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI*, 1(9), 344-347.

